ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЛЕКСИКА ВА УНИНГ МАВЗУВИЙ ТАСНИФИ

Ё.С.САИДОВ

Мақолада миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик вакиллари поэтик асарлари тилидаги қадимги туркий лексика таҳлил қилинган ва мавзувий гуруҳлар бўйича тасниф этилган.

Калит сўзлар: *миллий уйғониш, қадимги туркий лексика, тематик гуруҳ, лексик бирлик*

В статье проанализирована древнетюркская лексика в языке поэтических произведений представителей литературы периода национального возрождения; таковые лексические единицы распределены по тематическим группам.

Ключевые слова: *национальное возрождение, древнетюркская лексика, тематическая группа, лексическая единица*

In this article the author tries to analyze the old Turkish lexic units of the language of the poetic works of the representatives of the national renaissance and they are classified according to topical groups.

Key words: *Natinal Renaissence, old Turkish lexicon, thematic groups, lexical unit.*

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг истеъдодли вакиллари Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Сиддиқий Хондайлиқий, Абдулҳамид Мажидий, Каримбек Камий, Элбек (Машриқ Юнус), Боту каби ижодкорлар жадид адабиётининг шаклланишига катта ҳисса қўшдилар. Улар минг йил давомида амалда бўлган анъанавий йўсиндаги адабиёт ўрнига янги, замонавий адабиётни яратдилар, янги адабий тур ва жанрлар (драма, ҳикоя, роман)ни ўзбек адабиётига олиб кирдилар, анъанавий адабий шакл ҳисобланган аруз билан бирга бармоқ шеър тизимида ҳам ижод этдилар. Бу билан улар ўзбек адабиётида бармоқнинг кенг оммалашишига ва шеъриятда асосий адабий шакл бўлиб қолишига замин ҳозирладилар. Жадид ижодкорлари нафақат адабий шакл ва мазмунни янгиладилар, балки ўзбек тили имкониятларидан фойдаланишда ҳам бирмунча ўзига хосликларини намоён этдилар.

Жадид адабиёти намоёндалари шеърияти тилида истеъмолда бўлган сўз бойлигининг асосий қисмини ўз қатламга хос лексик бирликлар ташкил этади. Бу қатлам таркибида муайян миқдорда қадимги туркий тил (VII–X) ва илк эски туркий тил (XI–XII)га оид луғавий бирликлар ҳам мавжуд. Уларни қуйидаги мавзувий гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Озиқ-овқат, ичимлик ва шулар билан боғлиқ тушунчаларнинг номи: *озиқ* (озиқ-овқат маъносида), *туз* (таом маъносида), *сув, эт* (гўшт), *чоғир* (май, шароб), *бол* (асал), *ошлиқ* (овқат маъносида), *қаймоқ, сарёғ* (сариёғ), *қавурмоч* (овқат тури, қадимги туркий тилда *қўғурмач* шаклида мавжуд [4, 452]) *ун* ва ҳ.к.

2. Қон-қариндошлик атамалари: она, қиз, ота, келин, эр, хотин (қадимги туркий тилда *хатун//қатун* сўзи, асосан, хоним маъносида машҳур ва обрўли кишиларнинг хотинларига нисбатан қўлланилган [4, 436]), қардош, орқадош, бобо (қадимги туркий тилда баба тарзида ифодаланган ва у ота маъносида қўлланилган [4. 76]), ўғил, сингил, қариндош, тоға, йўлдош, опа, қайнота, ака, ука ва ҳ.

3. Инсон танаси аъзоларининг номи: кўз, оёғ (оёқ), юрак, юз, қурсоқ (ошқозон, қорин), қўл, тирноғ (тирноқ), кўкрак, тиш, бош, бўйин, кўкс (кўкс, кўкрак), оғиз, бармоқ, соч, бағр/кўкс, қулоқ, илик//қўл, бел, қорин, қад//бўй, кифриг (киприк), қуйин // қучоғ (қучоқ), яноғ (ёноқ; юзнинг бўртиқ қисми), томоқ // тамоғ, манглай ва ҳ.

4. Ўсимлик ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг номи: чечак (гул), терак, оғоч (дарахт), япроғ (япроқ), момиқ (пахта), ўсма, олма, буғдой, ўрик, ўт, тикан, кўкнор, сомон, янтоқ, томир (илдиз), тариғ (тариқ), бутоқ (ён шох) ва ҳ.

5. Нарса-буюм ва маиший турмуш жиҳозларининг номлари – маиший лексика: қопчуғ (ҳамён, қопчиқ), ип, ўчоқ, чироқ, қин (қин, ғилоф), қамчин//қамчи, этак, таёқ, бешик, кетмон, пичоқ, тўр, эшик, ўроқ, элак, кўзгу, тароқ, карпич (ғишт), ўртуқ//ўртик (парда), игна, тоғора, эгов, қозон, тавоғ (товоқ), елпиғич, тўқум, эшкак, қошиқ, болта (қадимги туркий тилда *балду* шаклида учрайди [4, 80]) ва б.

6. Зоологик терминлар: қоплон, бойқуш, қуш, тулки, қуйруқ (дум; думба), балиқ, от, қўнғиз, капалак, ит, кийик, арслон, тева (туя), товуқ, бўри, қалдирғоч, зоғ, чаён, эшак // эшшак, илон // йилон, каклик, чумоли, ўргамчи (ўргимчак), сигир, кучук, чибун // чибин, қарчиғай, улов (миниб юриладиган ҳайвон), қузғун (ўлимтикхўр қуш), қарға, сичқон ва б.

7**. Табиат ва иқлим билан боғлиқ сўзлар:** ёғмур // ёмғур (ёмғир), ел (шамол), булут, муз, ой, қуёш // кун, юлдуз, кўк (осмон), яшин, чақмоқ, борлиғ (коинот, олам), ёғин, учқун, қиров, ёлқин (камалак) ва ҳ.

8. Мавҳум тушунчани ифодаловчи лексик бирликлар: уғурли (бахтли), ўгут (насиҳат), осиғ (фойда, манфаат), қут (қут, бахт, давлат), сезгу (сезги), уйқу, уят, севги, кўнгил, севинч, қувонч, қўрқинч, билик (илм, билим) ва ҳ.

9. Диний тушунчаларнинг номи: тамуғ (дўзах, жаҳаннам), учмоҳ (жаннат), ёзуғ (гуноҳ, айб), сўрғучи (сўровчи Оллоҳ) ва ҳ.

10. Осмон жисмлари ва географияга оид номлар: ой, қуёш // кун, юлдуз, борлиқ (коинот), тоғ, тенгиз (денгиз), ер, юрт, очун (дунё, олам), сой, қир, кўл, булоқ, ўрмон, чўққи, қирғоқ, кўк (осмон) ва ҳ.к.

11. Вақт, замон ва фасл тушунчасини ифодаловчи сўзлар: тун, кун, тонг, кеча, букун (бугун), эрта (эрталаб, барвақт), кеч, чоғ (чоғ, вақт), кўклам (баҳор), илк (илк, аввал), илгари, қиш, кўк // кўклам (баҳор), тонг ва ҳ.

12. Ҳарбий соҳага оид терминлар: қилич, қалқон, қўшун (қўшин), ўқ, ёй (ёй, камон), ўрду (қароргоҳ; қўшин, аскар) ва ҳ.

13. Мансаб, унвон ва касб-кор тушунчаларини ифодаловчи номлар: хон, хоқон, қапуғчи (эшик оғаси; эшик ёки дарвоза соқчиларининг бошлиғи), бек (бек, амалдор), бошлиқ (бошлиқ, раҳбар), қушчи (қуш боқувчи, қушларга қаровчи, овчи), соқчи, тевачи // тавачи (туячи) ва ҳ.

14. Хусусият ва белги ифодаловчи сўзлар: ёлғуз (ёлғиз), ариғ (соф, тоза), буюк, улуғ, усрук (маст, сархуш), қилиқ (табиат, хулқ, характер), мунгли, ёвуз, ўнғай (қулай), қизил, қора, кўк, сариғ (сариқ), бузуқ, эски, оғир, эгри, оч, оғир, совуқ, иссиғ (иссиқ) ва ҳ.

Жадид шеъриятида қадимги туркий лексик бирликлардан яна кийим-кечак ва уларнинг қисмлари номи (*тўн, этик, енг, ёқа* каби); ёш хусусиятини англатувчи сўзлар (*қиз, эркак, қари // қария, чол* каби); уруғ, халқ номларини билдирувчи этнонимлар (*турк, уйғур* каби); миқдорни билдирувчи бирликлар (*бир, уч, тўрт, беш, юз, минг // бинг* каби); ўрин-жой тушунчаларини ифодаловчи сўзлар (*қишлоқ, пучмоқ (бурчак), тегра (атроф), уй, ўрин* каби); ижтимоий-сиёсий атамалар (*тутқун // тутқу* (асир), *қул, ўксуз* (етим, фақир, камбағал), *йўқсил // йўқсул* каби); шахс тушунчасини англатувчи сўзлар (*мен // ман // бан, сен // сан, ул, киши* кабилар) ҳам қўлланилган. Таъкидлаш ўринлики, мазкур мавзувий гуруҳлардаги қадимги туркий тилга оид луғавий бирликлар миқдори озчиликни ташкил этади.

Жадид лирик асарлари тилида истифода этилган қадимги туркий сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси нуқтаи назаридан баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур сўзларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланишда бўлса, айримлари истеъмолдан чиқиб эскирган. Шу маънода уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланишда давом этаётган қадимги туркий сўзлар. *Қилич, қамчи, ўқ, темир, тупроқ, қизил, олма, она, ота, ака, тоға, от, бош, кема, ер, яшин, қор, қум, қоплон, қарға, қумғон, сув, кўз, қулоқ, оғиз, оёқ, қорин, томоқ, тикан, япроқ, буғдой, арпа, тариқ, пичоқ, тароқ, қин, қопчиқ, болта, балиқ, қоплон, чаён, товуқ, чивин, илон, эшак, туя, чумчуқ, бойқуш, қуёш, ой, юлдуз, булут, денгиз, тоғ, қишлоқ, юрт, овчи* ва бошқалар шундай сўзлар жумласига киради. Уларнинг маъно-мазмуни ҳозирги китобхон учун тушунарлидир.

2. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган қадимги туркий сўзлар. Бундай изоҳталаб, эскирган, истеъмолдан чиққан сўзлар сирасига *қопуғ* (эшик, дарвоза), *озиқ* (озиқ-овқат маъносида), *туз* (таом, егулик маъносида), *чоғир* (май, шароб, бода), *оғоч* (дарахт), *оғу* (заҳар), *уғур* (бахт, қут), *уғурли* (бахтли, қутли, давлатли) *осиғ* (фойда, манфаат, баҳра), *тамуғ* (дўзах, жаҳаннам), *учмоҳ* (жаннат), *ёзуғ* (гуноҳ, айб), *қапуғчи* (эшик оғаси; эшик, дарвоза соқчиларининг бошлиғи), *асру* (жуда кўп, бениҳоя, ғоят, талай), *ариғ* (соф, тоза, покиза, мусаффо), *билик* (илм, ақл, маърифат, билим), *ўксуз* (етим), *пучмоқ* (бурчак, кунж, гўша) **(Фитрат)**; *қамуқ* (барча, ҳамма, жами), *ёғлиғ* (рўмол, рўмолча), *аёқ* (қадаҳ, коса, пиёла), *оғоч* (дарахт), *ёзуғ* (гуноҳ, айб), *қўноқ* (меҳмон), *тўнак* (қамоқхона, зиндон), *ошлиқ* (буғдой, егулик) **(Чўлпон)**; *илик* (қўл), *оғоч* (дарахт), *карпич* (ғишт), *ўртук* (парда, тўсиқ), *ошлиқ* (овқат; буғдой), *учмоҳ* (жаннат), *очун* (дунё, олам), *дақи* (яна, тағин) **(Элбек)**; *усрук* (маст, сархуш), *илик* (қўл) **(Ибрат)**; *чоғир* (май, шароб, бода), *эв* (уй), *қапу* (эшик, дарвоза) **(Ажзий)**; *эв* (уй), *ёзуқ* (гуноҳ, айб), *ўксиз* (етим; камбағал) **(Сўфизода)**; *илик* (қўл) **(Камий);** *билик* (илм, билим), *томуғ* (дўзах) **(Хондайлиқий);** *оғоч* (дарахт), *ўртук* (парда), *битик* (китоб), *мунг* (қайғу), *ёзуғ* (гуноҳ, айб), *тамуғ* (дў-

зах), *очун* (дунё, олам), *мунг* (қайғу, алам), *тегра* (атроф), *тутқун* (асир, банди), *йўқсил* (камбағал; бечора), *егу* (таом, овқат), *дағи* (яна, тағин) **(Боту)** кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг миқдорий нисбати турлича. Чунончи, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту шеърияти тилида жуда кўп миқдорда, Ибрат, Ажзий, Сўфизода, Камий шеърлари тилида бармоқ билан санарли миқдорда мавжуд. Абдулҳамид Мажидий, Сидқий Хондайлиқий асарлари тилида эса деярли қўлланилмаган.

Ўзбек адабий тили лексикасини янгилаш, софлаштиришни асосий мақсад қилиб белгилаган «Чиғатой гурунги» аъзолари, чунончи, Фитрат, Чўлпон, Элбек ва Ботулар унут бўлган қадимги туркий сўзларни қайта истеъмолга киритиш ҳаракатида бўлишган. Ўзбек адабий тили луғат таркибини, асосан, тилнинг ўз ички манбалари ва имкониятлари асосида бойитишни назарда тутган «Чиғатой гурунги»чилар қадимги туркий лексикага алоҳида диққат-эътибор билан ёндашганлар. Шу боис уларнинг шеърияти тилида бундай сўзларнинг салмоғи катта.

«Чиғатой гурунги» аъзолари мазкур сўзларни ўз асарлари тилида қўллаш жараёнида, асосан, икки манбага таянишган. Биринчи манба эски ўзбек адабий тили, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилининг луғавий хазинаси бўлса, иккинчи манба ўзбек халқ шеваларининг лексик бойлигидир. Таъкидлаш ўринлики, «Чиғатой гурунги» аъзолари шеърияти тилидаги қадимги туркий сўзларнинг барчаси Алишер Навоий асарлари тилида мавжуд. Шоир асарлари бўйича тузилган луғатлар ва яратилган илмий тадқиқотлар [2,3,6] асосида олиб борган кузатишларимиз бу фикрни тасдиқлайди. Қуйидаги айрим мисоллар билан буни асослашга ҳаракат қиламиз:

Алишер Навоий асарлари тилида	«Чиғатой гурунги» аъзолари тилида	Сўзнинг маъноси
тамуғ//тамуқ//томуғ	томуғ//тамуқ	дўзах, жаҳаннам
аёқ//аёғ	аёқ//аёғ	коса, пиёла
асиғ//осиғ	осиғ	фойда, манфаат
йиғоч//оғоч	оғоч	дарахт
битикчи	битикчи	хат ёзувчи, котиб
усрук//асрук	усрук	маст, сархуш
очун	очун	дунё, олам
билик	билик	илм, ақл, маърифат
ясол	ясол	саф, қатор
учмаҳ//учмоқ//учмоҳ	учмоқ//учмоҳ	жаннат
ўксук//ўксуз	ўксук//ўксуз	етим, камбағал, бечора
ёзуқ//ёзуғ	ёзуқ//ёзуғ	гуноҳ, айб
пучмағ//пучмоғ	пучмоғ	бурчак, кунж

Юқорида айтиб ўтилганидек, «Чиғатой гурунги»чилар учун иккинчи асосий луғавий фонд (бойлик) ўзбек халқ шевалари ҳисобланган. Улар томонидан қўлланган қапуғ (эшик, дарвоза), ариғ (соф, тоза), асиғ (фойда, манфаат), ёзиғ (гуноҳ, айб), оғоч (дарахт), қўноқ (меҳмон) каби қадимги туркий сўзлар ҳозирда ҳам ўзбек тилининг айрим шеваларида кенг истифода этилади [1.7]. Буни қуйидаги қиёсий тавсифда қайд этилган айрим намуналардан ҳам англаш мумкин:

Қадимги туркий ёдномалар тилида	Ўзбек халқ шеваларида	«Чиғатой гурунги» аъзолари асарлари тилида	Ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси
қылығ// қылық	қилиғ//қилиқ	қилиғ//қилиқ	инсоннинг табиати, сажияси
қонуқ	қўноқ	қўноқ	меҳмон
сағ	сағ	сағ	ўнг томон
қапуқ/қапуғ	қапу/қапи	қапу/қапи	эшик, дарвоза
дақы	даҳи	даҳи	яна, тағин
памуқ	момиқ	момиқ	пахта
йағы	йағи/ёғи	йағи/ёғи	душман
татығ	татиғ	татиғ	таъм, маза

Ўзбек адабий тилини, чунончи, унинг лексик таркибини битмас-туганмас хазина – халқ шеваларидаги сўзлар асосида бойитиш фикрини илгари сурган «Чиғатой гурунги»чилари ўша давр адабий тилида учрамайдиган, лекин шеваларда мавжуд бўлган қадимги туркий сўзларни ўз асарлари тилида қўллашга уринишди.

Жадид адабиёти намоёндалари шеъриятидаги қадимги туркий лексиканинг муҳим улушини ҳаракат-ҳолат, хусусият-белги, нарса-буюм ва қариндошлик тушунчаларини ифодаловчи лексемалар ташкил этади. Диний-афсонавий тасаввурлар ва мансаб-мартабаларни ифодаловчи луғавий бирликлар миқдори нисбатан оз. Шунингдек, жадид шеърияти тилидаги қадимги туркий сўзларнинг аксарияти аниқ маъно ифодалайдиган лексемалардир. «Чиғатой гурунги» аъзолари ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий нуфузи ва қадр-қимматини тиклаш йўлида мислсиз хизматларни адо этдилар. Уларнинг ўзбек тилини беғубор ва соф тарзда келажак авлодга етказишдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга моликдир.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари лексикаси. – Т.: Фан, 1964.

2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: Тўрт томлик. – Т.: Фан, Т. I. 1983. – 656 б.; Т. II. 1983. – 643 б.; Т. III. 1984. – 623 б.; Т. IV. 1985. – 636 б.

3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 1983.

4. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969.

5. Кошғарий М. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов). Т. I-II-III. – Т.: Фан, 1960-1963.

6.Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзФА ТАИ, 2007.

7. Ўзбек шевалари лексикаси. – Т..: Фан, 1991.

Бухоро давлат университети,
2013 йил 28 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д., проф. А.Нурмонов)